

*М.И. Алимардонов,
иқтисод фанлари доктори, профессор,
О.А. Юсупов, Ч.А. Қулматов,
ТДИУ*

СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИНГ ШАКЛЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш шароитида солик соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш ва солик муносабатларини такомиллаштириш, солик назоратининг шакллари ва уларнинг амал қилиш ҳолатини илмий таҳлил қилиш муҳим ва долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Солик назорати давлат ва жамият ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади, чунки унинг воситасида давлат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий-маданий вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган моддий-молиявий ресурслар жамланади, ялпи ички маҳсулотнинг зарур қисми давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ажратилади.

Солик назорати мамлакатдаги назорат тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли солик қонунларига риоя этилишига эришишни таъминлаш қонунчиликни мустаҳкамлаш, хуқуқ тартиботига риоя этилишига эришишни англатади. Солик назорати хуқуқий тизимнинг ажралмас таркибий қисми сифатида адолат, демократия каби тамойилларга амал қиласди.

Соликлар давлат даромадлари таркибида энг салмоқли ва хукмон мавқенини эгаллаши жамиятдаги хуқуқий онг, иқтисодий тараққиёт, назорат тизимларининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Солик назоратининг вужудга келиши жамиятнинг демократлашуви жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг воситасида давлатнинг янги соликлар ва йиғимлар жорий этиш ҳамда тўплашга бўлган иштиёқ билан ишлаб чиқаришда қатнашаётган фуқаролар мулкий манфаатлари ўртасида адолатли мувозанат сақлаб турилишига ҳаракат қилинади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат назоратининг асосий тури, бу солик назорати ҳисобланади. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатда олиб борилаётган солик назорати иқтисодий ислоҳотларга мос равишда ривожланмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш давомида солик назорати шаклланиб, узлуксиз такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида мамлакатимиздаги иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солик юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёsat билан боғлиқлиги эътироф этилди. **«Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори**

ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошиди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта ўйланган пул кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимиз-нинг натижасидир.

Айтиш керакки, бундай иқтисодий ўсиш кўп жихатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ»¹.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги воситасида солиқ соҳасидаги ислоҳотлар амалга оширилади. Солиқ қонунчилиги давлат фаолиятининг йўналишларидан бири саналувчи давлат ички даромадларини шакллантиришга оид бўлган молиявий-хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик тармоғидир. Солиқ назоратининг асосий вазифаси-белгиланган солиқ ва йигимларни ўз вақтида, белгиланган ҳажмда йиғилишини таъминлаш йўли билан давлат бюджети даромадларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги «Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1257-сон қарорига мувофиқ мамлакатимизда тўпланган ва чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш, назорат қилувчи органлар функцияларидаги бир-бирини такрорлашларни бартараф этиш, республика фискал-молия органлари тузилмасида солиқ органларининг, энг аввало, қабул қилинган солиқ қонунчилигини ва давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш бўйича белгиланган топшириқларни бажариш масалаларидаги ваколатларини кенгайтириш ва ролини ошириш мақсадида: Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг асосий вазифалари ва функциялари этиб белгиланди:

1) Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисбланишига, уларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

2) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ микдорда тушишини таъминлаш;

3) солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш, маълумотларнинг ягона компьютер базасини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни рўёбга чиқариш;

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараккӣтини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласиди. //Халқ сўзи. 2011 й. 22 январь. 1-б.

4) пул маблағларининг ноқонуний муомалада бўлиши манбаларини бартараф этиш, аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд тушумнинг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш;

5) хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахслар фаолиятини рағбатлантириш бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан таклифлар киритиш;

6) дехқон бозорлари ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолиятини, улар томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилинишини қаттиқ назорат қилиш ҳамда жиноий ишларни ҳукуқни муҳофаза қилиш органларига топширган ҳолда уларнинг ҳудудларида аниқланган ҳукуқ бузилишлари бўйича суриштирувлар ўтказиш;

7) республика назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини тақрорлашга ва суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик;

8) юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши юзасидан таъсирчан назоратни ўз ваколатлари доирасида амалга ошириш;

9) солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан таъминлаш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш ҳолатларига қатъий равишда барҳам бериш бўйича тизимли иш олиб бориш, доимий асосда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакаси ошириб борилишини таъминлаш.

Ваколатли органлар қуидагилардир:


Давлат солиқ хизмати органлари - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари.

Божхона органлари - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари.


Молия органлари - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари, туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари.

Бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси қуидагилардан иборат:



1-расм. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмаси ва унинг марказий аппарати тузилмаси².



2-расм. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимининг тузилмаси³.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1257-сон карори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1257-сон карори.

1-жадвал

**Давлат солиқ хизмати худудий органлари бошқарув
ходимларининг чекланган сони⁷**

№	Давлат солиқ хизмати органлари	Давлат солиқ хизмати худудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони	Шу жумладан:		
			Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги		Туманлар (шаҳарлар) Давлат солиқ инспекцияси
			Давлат солиқ бошқармаси	Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлими	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	618	77	26	515
2.	Андижон вилояти	900	98	68	734
3.	Бухоро вилояти	713	81	34	598
4.	Жиззах вилояти	486	72	24	390
5.	Қашқадарё вилояти	742	74	38	630
6.	Навоий вилояти	447	72	24	351
7.	Наманган вилояти	742	84	38	620
8.	Самарқанд вилояти	993	102	58	833
9.	Сурхондарё вилояти	597	72	31	494
10.	Сирдарё вилояти	507	73	19	415
11.	Тошкент вилояти	1 327	127	44	1 156
12.	Фарғона вилояти	1 197	103	68	1 026
13.	Хоразм вилояти	671	71	34	566
14.	Тошкент шаҳри	1 997	199	84	1 714
Жами		11 937	1 305	590	10 042

Солиқ назорати қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- 1) Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш;
- 2) солиқ солиш обьектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ обьектларни ҳисобга олиш;
- 3) бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш;
- 4) камерал назорат;

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги “Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1257-сон карори.

- 5) нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи;
- 6) солиқ текширувлари;
- 7) фискал хотирали назорат-касса машиналарини қўллаш;
- 8) акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни марказлаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш;
- 9) давлат даромадига қаратилган мол-мulkни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш;
- 10) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.

Солиқ текширувлари қўйидаги турларга бўлинади:

- Режали солиқ текшируви;
- режадан ташқари солиқ текшируви;
- муқобил текширув;

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) - текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувdir.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) қўйидаги ҳолларда ўтказиладиган текшируvdir:

1) Юридик шахс тугатилаётганда;

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда;

3) Давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳакида қўшимча маълумотлар тушганда.

Муқобил текшируv - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғланган ва турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатларни таққослашдан иборат текшируvdir.

Мамлакатимизда юз берган иқтисодий ўзгаришлар, бозор муносабатларига асосланган жамиятга ўтиб борилиши солиқ назоратининг шаклларига ҳам жиддий ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди. Мазкур ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг барчаси 2007 йил 23 ноябрда Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноябрда Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг 67-моддасида ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органлари тизимини мамлакатдаги назорат тизимининг ажралмас таркибий қисми бўлиб ҳисобланади ва шу сабабли солиқ қонунларига риоя этилишига эришишни таъминлаш қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳукуқ тартиботга риоя этилишига эришишни амалга оширади.

Солиқ назоратини такомиллаштириш, уни тўлаш интизомига қаттиқ риоя қилиш, солиқ қонунбузарлигига йўл қўймаслик, солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ходимларининг маънавиятини юксалтириш корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини таъминлашда муҳим омиллардан саналади.

Ҳозирги кунда солиққа оид қонунбузарликларга йўл қўйган корхоналардан ундирилган солиқ суммасининг умумий солиқ суммасидаги улуши юқорилигича қолмоқда. Буларнинг сақланиб қолаётгани, ҳали солиқ тўловчиларимизнинг давлат ва жамият олдидаги масъулияти, уларнинг маънавий савияси талаб даражасида етарли эмаслигидан дарак беради. Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятида ҳар куни ўнлаб қонунбузарликлар аниқланмоқда. Уларнинг мавжудлиги ижобий ҳолат ҳисобланмайди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса ўз навбатида солиқ назоратини такомиллашувига олиб келади.

Бу борада қўйидаги таклифларни киритиш мумкин:

Биринчидан, улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланиш мақсадида очилаётган юридик шахсларни рўйхатга оловчи инспекциялар томонидан ҳар тарафлама ўрганилиши ва тақдим этилаётган маълумотлар ҳаққонийлигига, яъни кўрсатилаётган манзилгоҳининг ҳақиқийлиги, моддий техника базасини мавжудлигига эътибор кучайтирилишини мажбурий йўлга қўйиш.

Иккинчидан, солиқ тизими таркибида банкдаги пул маблағларини мониторингини олиб борувчи назорат тизимини кучайтириш.

Учинчидан, шубҳали банк операцияларини олиб борувчи субъектларнинг алоҳида ҳисобини юритиш ва уларга назоратдаги субъект мақомини бериш.

Тўртинчидан, солиқ назорати самарадорлигини оширишда асосий эътибор даромадларни қасдан яшириш ҳолатларига чек қўйиш лозим.

Бешинчидан, лицензиялаш, сертификатлаш, рўйхатга олиш жараёнларини соддалаштириш, тезлаштириш ва арzonлаштиришdir.

Олтинчидан, солиқ тушумларини оширишда солиқ бошқарувининг назорат функцияси самарадорлигини оширишда солиқ маданиятини ошириш, солиқ механизмини соддалаштириш, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш тартибини ихчам ва тез шаклларини жорий этиш лозим.

Еттинчидан, 2007 йил 23 ноябрда Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган, 2007 йил 30 ноябрда Сенат томонидан маъқулланган, 2007 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов томонидан тасдиқланган 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва унинг шарҳи бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш, кенгроқ матбуотдан фойдаланишни, солиқ тўловчилар орасида солиқ назорати ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш лозим.

Саккизинчидан, солиқ органлари томонидан ўтказиладиган текширишларда назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлим томонидан солиққа оид қонунлар, Фармонлар ва қарорлар талабларини

бажарилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

Тўққизинчидан, солик қонунчилигини барқарорлаштириш солик назоратини ҳуқуқий тартибга солишда солик тўловчилар учун солик юкини оптималь тақсимотини таъминлаш ва солик субъектларининг солик маданиятини юксалтириш лозим.

Ўнинчидан, соликларни ҳисоблаш ва бюджетга ўтказиш жараёнида солик назоратини кучайтириш ва солик қонунчилигини бузганлик учун молиявий жазо чораларини қонунчилик меъёрларини солик тўловчига тушунарли ҳолда тўлиқ белгилаш лозим.